



ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ТИЛ ВА НУТҚ МАСАЛАЛАРИНИ ЁРИТИШДА ЁЗМА НУТҚНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Азаматова Одинахон Обидовна

Андижон давлат педагогика институти

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ассисент ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7496160>

ARTICLE INFO

Received: 21th December 2022

Accepted: 28th December 2022

Online: 30th December 2022

KEY WORDS

Нутқ маданияти, тил маданияти, таълим тизими, 4+2 дастури нутқнинг коммуникатив сифатлари.

ABSTRACT

Ушбу мақолада мактабларда она тили дарсларни ташкил қилишда тил ва нутқ масалаларини ёритишда ёзма нутқнинг аҳамияти ҳақида ва дарсларда асосан ўқувчиларнинг мустақил фикрлашларини шакллантириш ва уни саводли тарзда баён этишга ўргатиш керак муҳимлиги ёритилган. Шу билан бир каторда олий таълим тизимида амалга оширилаётган 4+2 дастури асосида талабаларнинг халқ таълими билан бевосита алоқалари асосида дарсларда кузатилаётган камчиликларга тухталиб утилган.

Кириш. Инсоннинг маънавий камолотга эришувида, жамиятнинг маданий — маърифий ривожидида она тилининг ўрни муҳимдир. Тил миллий маънавият, маърифат ва маданиятнинг кўзгусидир. Ҳадиси шарифларда "Кишининг зебу зийнати, гўзаллиги унинг тилидадир" дейилади. Қадим-қадим замонлардан бери ҳар бир миллат ўз тилига буюк ҳурмат билан қарайди. Бу нодир бойликни дунёларга бермасликка ҳозир туради. Чунки тил миллат деган бирликнинг тамал тоши, у бой берилса, миллат ҳам бой берилади. Мамлакатимизда маънавият жабҳасида олиб борилаётган бениҳоя кенг қамровли ислоҳотларда тил муаммолари, хусусан, она тилига, давлат тилига эътибор масалаларига алоҳида диққат қилинаётганлиги бежиз эмас. Республикаимизнинг "Давлат тили

ҳақида"ги, "Таълим тўғрисида"ги қонунлари, ва бошқа жуда кўплаб ҳужжатларида бу йўналишдаги ишларнинг асосий жиҳатлари кўрсатиб берилган.

Мухокама. Бугунги глобллашув замонда таълим-тарбия беришнинг бош омили янгиликларни дарсга уйғунлаштириш ва уни қўллай олишдир. Жамиятимизда олиб борилаётган ислоҳотлар таълим-тарбия соҳасида ҳам қатор инновацияларни кириб келишига сабаб бўлмоқда. Бу албатта устозлар учун жуда қўл келади ва шу билан биргаликда изланишга ўрганишга чорлайди.

Нутқий маданият тарбияси билан мактабдаги, ҳеч бир истисносиз, барча ўқув фанлари билвосита ёки бевосита шуғулланиши зарур. Математика бўладими, физика ёки тарих бўладими,



ўқитувчи ўз нутқий маҳорати билан ибрат кўрсатиши, ҳатто тегишли фан соҳасининг тугал тилини намойиш этиши ва шу йўл билан ўқувчидаги сўз сезгисига куч бериши мақсадга мувофиқ. Таълим амалиётида кўргазмалилик азалдан энг муҳим омил сифатида қўлланилиб келинади. Аммо унутмаслик керакки, нутқий маданиятни ўргатиш, чиройли сўз завқини ўстириш, умуман, тил эстетикаси тарбиясида асосий, жонли кўргазмали қурол ўқитувчининг ўзидир. Нутқ маданияти ҳақида гап кетар экан, аввало, тил ва нутқ тушунчаларининг моҳиятини фарлаш зарур. Тил ва нутқ бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, аммо айни пайтда бир-биридан фарқланиши керак бўлган ҳодисалардир. Тилсиз нутқнинг, нутқсиз тилнинг мавжуд бўлиши мумкин эмас. Ўзбек адабий тилининг асосчиси улуғ Алишер Навоий "Маҳбул ул-қулуб" асарида сўзнинг шарафли сифатлари ҳақида сўзлаш асносида тил ва нутқ, муносабати хусусида қуйидаги назарий фикрни баён қилади: "Тил мунча шараф била нутқнинг олати (қуроли) дур ва ҳам нутқдурки, агар нописанд зоҳир бўлса, тилнинг офатидур." Демакки, тил нутқ учун қурол, бу қуролдан фойдаланиб нутқ тузилади, нописандлик, эътиборсизлик қилинса, нутқ мақбул бўлмайди ва бу тилнинг офати бўлади. Тил ва нутқнинг бир-бири билан боғлиқдиги, бири икинчисига ҳамиша таъсир этишини тил қонуниятларини бобомиз Навоий ана шундай таърифлаган. Тилшуносликда кўпинча "тил маданияти" ва "нутқ маданияти" тушунчалари фарқланади, аммо баъзан ҳар иккиси ўрнида биргина ё "тил

маданияти", ё "нутқ маданияти" термини қўлланади. Ҳамонки, тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаш зарур экан, улар чиндан ҳам алоҳида-алоҳида ҳодисалар экан, албатта, тил маданияти ва нутқ маданиятини ҳам фарқдаш мақсадга мувофиқ. Тил ва нутқ тушунчаларининг моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсақ, тил маданияти тилининг адабийлашганлик, нормалашганлик даражасини, луғат таркиби, грамматик, семантик, стилистик жиҳатлардан ривожланганлик, бойлик даражасини, ифода имкониятларининг кўламини ифода этади. Нутқ маданияти эса тилдан бемалол, мақсадга мувофиқ ва таъсирчан бир тарзда фойдаланалишни таъминлайди. Нутқнинг маданийлигини, таъсир қувватини таъминлайдиган тўғрилиқ, аниқлик, мантиқийлик, ифодалилик, бойлик, софлик, жўялилик каби бир қатор коммуникатив сифатлар мавжуд. Ана шу коммуникатив сифатларнинг барчасини ўзида мужассамлаштирган нутқ маданий ҳисобланади. Нутқнинг коммуникатив сифатлари нафақат алоқани балки тингловчи ёки ўқувчига нутқий таъсирни кучайтириш учун ҳам хизмат қилади. Ҳозирги кунда она тили дарсларини ташкил этишда асосан ўқувчиларнинг мустақил фикрлашларини шакллантириш ва уни саводли тарзда баён этишга ўргатиш керак. Бунинг учун ўз фикр-мулоҳазаларини ёзма тарзда ифодалашлари мумкин. Бунда ўқувчи ҳам ўйлайди, ҳам уни ёзма тарзда баён этади. Шу ўринда гапни тўғри тузиш баробарида қайта-қайта ўқиб имло хатоларсиз ёзишга ҳам одатланади. Фикр-мулоҳазаларини



оддий матн тарзида ифодалаш она тили дарсларига қўйилган талабларнинг барчасини ўзида жамлаган самарали усул бўлиб, бунда ўқувчининг тафаккури ривожланади, эркин фикрлашга ўрганади, сўз бойлиги ортади ва синтактик жиҳатдан тўғри гап туза олади. Тасвирий матнни ифодалаш, кўрган фильм ёки бирор воқеаликка муносабат билдиришда бу усул орқали ўқувчининг билимини синаш мумкин. Айниқса, тасвирий санъат асосида ёзма нутқини шакллантириш ўқувчининг тафаккурин ўстиришда ва уни ифода этишда самаралидир. Чунки табиат тасвири, нарсалар, воқеа ва ҳодисалар бевосита ўқувчини фикрлашга ундайди. Матннинг бу турида ифода этилаётган тасвир, уларнинг ўзига хос ташқи белгилари эътиборни тортади. Матннинг бу тури 5-6-7 синфларда учрайди. Чунки бу ёшда ўқувчилар тил ҳодисаларини ўрганишда, уларнинг кузатувчанликлари ва унинг тасвирини бемалол яратишлари мумкинлиги кўриниб туради. Тасвирлаш кузатувчанликка боғлиқ. Шунинг учун она тили дарсларида ўқувчиларни кузатувчанликка ўргатиш, нарса ва воқеа-ходисаларнинг муҳим хусусиятларини илғай олишга одатлатириш жуда катта аҳамият касб этади.

Оғзаки матнни яратишда ривоят ҳам муҳим ўрин тутатади. Ушбу матн тасвирий матндан воқеанининг изчил берилганлиги, унда образларнинг иштироки, шунингдек образларнинг суҳбатлари кабилар билан ажралиб туради. Бундай матларда воқеа-ҳодиса

бир мазмуний яхлитликни сақлаши талаб этилади. Матнинг бу турида фикр-мулоҳазалар, воқеалар тафсилоти муҳим ўрин тутатади. Матнда тасвир унсурларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Она тили дарсларида бундай матнлардан “Бизнинг оила”, “Менинг дўстим”, “Ёз кунларининг бирида” каби мавзуларда яратиш мумкин. Она тили дарсларида кенг қўлланиладиган матннинг яна бири муҳокама матнидир. Муҳокама матнининг ўзига хос хусусияти воқеа-ходисага муносабат билдиришдир. Бу ўринда ўқувчи ўз фикрини эркин ифодалайди ҳамда фикрини исботлаш учун асос ва далиллар излайди. У кузатиш, таққослаш натижасида маълум бўлади.

Нутқ маданияти муаммолари ўрганилар экан, бу фанларда қўлга киритилган асосий илмий хулосалардан ҳам умумий тарзда бўлса-да, хабардорлик лозим бўлади. Зотан, инсон ва унинг тили, нутқий фаолияти, яъни нутқни тузиш ва уни тўғри тушуниш бениҳоя мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. Шу боис бугунги таълим-тарбия жараёнида нутқ ва тил маданиятидан унумли ва ўринли фойдаланиш ҳар бир дарс учун муҳим.

Жумладан бугунги кундаги олий таълим тизимида амалга оширилаётган 4+2 дастури асосида талабаларнинг халқ таълими билан бевосита алоқалари асосида дарсларда кузатилаётган камчиликларнинг асоси ўқитувчи нутқининг ҳозирги савияси нутқ маданияти меъёрларига тўла-тўқислигига жавоб бермаслигидир. Тахминан унинг қатор сабаблари бор:



1. Маъсулиятсизлик. Масалан: устознинг дарсга астойдил тайёргарлик кўрмай туриб ўқувчилар билан фан ҳақида мавзу ҳақида сўзлашини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Ўқитувчилар ўзларининг устиларида мунтазам ишлаб ўз услубларини ўстириб боришлари керак. Ҳозирги кунда жуда кўп устозларимиз иш соатидан бошқа вақтда ўз устида ишламайдилар. Ҳеч қандай профессионал машқ билан шуғулланмайдилар. Шу билан бирга ўз нутқининг бойитишга ва уни такомиллаштиришга интилмайдилар. Натижада ўзининг нутқ санъати ўтмаслашиб бораверади. Оқибатда бундай ижодий изланишдан маҳрум ўқитувчи деярли барча дарс ва ўқув машғулотларида ҳам бир ҳил талаффузда гапирдилар. Бундай нуқсон ва камчиликларни олдини олишнинг бирдан-бир йўли таълим-тарбияда маъсулиятсизлик ва бефарқликни олдини олишдир.

2. Эътиборсизлик. Ўқитувчи ҳар бир жумласи устида ўйланиши кейин тадбиқ қилиши керак. Баъзи ўқитувчиларимиз дарсларни ташкил этишда адабий тил меъёрлари асосида расмий услуб ва албатта расмий оҳангни унутиб қўядилар. Бунинг натижасида адабий тил нормалари

бузилади. Устоз бўлишнинг машаққати ва шарафи ҳам айнан унинг нутқидадир. Бугунги кунга келиб эса, устоз деганимизда одамларнинг кўз ўнгида гавдаланувчи инсон кишилиқ тараққиётининг айни шундай ҳосиласи сифатида “улғайиб”, вояга етган, десак муболаға бўлмайди. Ана энди бугунги тезкор даврнинг шиддатига “мослашган ҳолда” фикр юритадиган бўлсак, устозликнинг ўзи ҳам алоҳида ўрганиш объектига эга, ҳар томонлама билимларни ўзида пинҳон тутган илмлар сирасига кираётганини кўришимиз мумкин. Устоз – қачон, қайси вазияту шароитда бўлишидан қатъий назар – ўқувчиларнинг фикрлаш тарзига таъсир қилиб, уни маълум эътиборли томонларга йўналтириб турувчи асосий инсондир. Ўқитувчилик - ўқувчиларнинг орасида “шунчаки” ўзининг сўзамоллигини намоён қилиш эмас, айнан уларнинг манфатлари учун зарурат – ўқувчиларнинг келажак фаолиятлари учун муҳим омил эканини хис этишдир.

Хулоса. Шундай омилларни ҳисобга олиб ташкил этилган дарс машғулотлари албатта ўз самарасини беради. Шунингдек бугунги кунда муаммога айланиб бораётган ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларининг кескинлашуига ҳам барҳам беради.

References:

1. М.Хамроева Д.Мухаммедов Д.Шодмонов Она тили 2007
2. Р.Икромов .М.Hamroyev, D.Muhamedova Она тилидан машқлар туплами
3. M.Yo'ldoshev. O'zbek tili praktikumi (1-qism). Toshkent: TDPU. 2005.
4. Она тили -давлат тилию Тошкент Ахлоқ. 2004
5. Жамолхонов Х.А Ҳозирги узбек адабий тили Тошкент Талкин 2005